Муносабат

# МАНФААТДОРЛИК БОР ЖОЙДА

## ФИДОЙИЛИК, ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

буни Жиззах ва Сирдарё вилоятлари деҳқонларининг бугунги самарали меҳнатлари-ю, обод турмуш тарзи ҳам тасдиқлаб турибди.

— Юртбошимизнинг **«Фермерларимиз нафақат далада ишлайдиган деҳқон, айни чоғда, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, одамларнинг уй-ташвишларига шерик бўлиш масъулиятини зиммасига оладиган илғор синфга айланмоқда»** деган юксак эътирофларидан бениҳоя қувондим, — дейди **Арнасой туманидаги «Сангзор» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси Рашида Ёдгорова.** — Айни пайтда бундай эътироф зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди ва ҳудуддаги катта-кичик муаммолар билан янада чуқурроқ шуғулланиш, атрофда кечаётган жараёнларда бундан-да фаолроқ иштирок этишга чорлайди. Хўжалигимизнинг 260 гектар ери бор. Жорий йилда давлатга 264 тонна дон етказиб бердик. Шунинг ўзидан 27 миллион сўм соф фойда олдик. Пахтадан 34 миллион сўмдан кўпроқ фойда кўришни мўлжаллаб турибмиз. Шу ер орқасидан 30 та оиланинг рўзғори бут, қозони қайнамоқда. Ёки ҳар қайси оиланинг 4-5 тадан аъзоси бўлса, демак, 140-150 кишининг турмуши файзли. Шугина эмас, кам таъминланган оилаларни ҳам имкон қадар қўллаб-қувватлаяпмиз. Ижтимоий ҳимоя йилида шу мақсадлар учун 40 тоннадан зиёд ғалла тарқатдик, «Меҳрибонлик уйи»га 1,5 миллион сўмлик кўмак бердик. Умуман, ҳамқишлоқларимиз ҳаётига таааллуқли қайси масала ёки муаммо бўлмасин, ўзимизни дахлдор ва қайсидир маънода, масъул деб ҳисоблаяпмиз...

Мамлакатимиз раҳбари кузнинг ғанимат кунларидан фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ҳамда давлатга 255 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилаётган пахтакорлар билан мулоқотлар чоғида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларга юқори баҳо берди. Бир пайтлари чўл ҳудудларида унумдор ер майдонларининг мансабдор тўралар томонидан талон-торож қилингани, совхоз директорининг амри билан ўнлаб гектар экинзорларнинг четдан келган «гектарчи»ларга пуллаб юборилгани, бундан халқимиз, деҳқонларимиз катта зиён кўрганлиги фактларига эътибор қаратилди. Ана шундай иллатлардан холос бўлиш, ерни ўз эгасига топшириш учун ҳам вилоятда мамлакатимизда биринчилардан бўлиб тўлиқ фермерчиликка ўтилгани алоҳида қайд этилди. Бундан 10-15 йил олдин 11-12 центнердан ҳосил берган ерларнинг бугун ҳақиқий соҳиблари қўлига тушганлиги, майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланаётгани, ерга, мулкка бўлган муносабат ўзгараётгани, энг муҳими, манфаатдорлик ошгани туфайли ҳосилдорликнинг 26-28 центнерга кўтарилгани ҳақида мамнуният билан сўз юритилди.

— Кейинги йилларда Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам фермерчилик ҳаракатини ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинди, — дейди **Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари, Дўстмурод Қодирқулов.** — Очиғи, бугунги фермер билан кечаги деҳқон ўртасида жуда катта фарқ бор. Аввало, бугунги фермер фаол фуқаролик муносабатига эга, мустақил фикри, муайян сиёсий қарашлари бўлган чинакам мулкдорга айланди. Ўзимдан қиёс. Деҳқончиликдан кўраётган соф фойда ҳисобига сутни қайта ишлайдиган минизавод қуришга жазм қилдим. Етмаган жойига «Пахтабанк»дан кредит кўтардим ва яқинда Тошкентдаги «Ўзагроминитех» кўргазмасига бориб, Исроил давлати фирмаси билан шартнома тузиб келдим. Келаси йили келсангиз, бир кеча-кундузда 1000 литр сутни қайта ишлаб, камида 8 турдаги тайёр маҳсулот чиқарадиган кичик заводимни кўрсатаман...

Сирдарё вилояти фермерлари билан мулоқотда Юртбошимиз фермерлик шунчаки орзу-ҳавас эмас, балки кишидан машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидойилик, керак бўлса, жасорат талаб қиладиган касб эканлигини таъкидладилар ва мавжуд муаммолар ҳақида тўхталдилар. Хусусан, ҳудудда чорвачилик ҳамда саноатни ривожлантириш, тоза ичимлик суви, табиий газ, ободончилик, бунёдкорлик ишларига эътиборни янада кучайтириш, одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёт фаровонлиги билан боғлиқ масалаларга ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли вазирлик ва бошқармаларнинг фаол иштироки зарурлигига алоҳида урғу бериб ўтдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг **«Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш қийин»**, деган гаплари менга ғоят маъқул бўлди, — дейди **Сардоба туманидаги «Зирабулоқ» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси Усмонжон Қуролбоев.** — Ҳақиқатан ҳам, дренажлар, коллекторлар, зовурларнинг узоқ йиллардан бери қаровсиз қолганлиги, таъмирланмаганлиги, тозаланмаганлиги оқибатида туманимизга қарашли экин майдонларида ер ости суви кўтарилиб, шўрланиш даражаси ошиб кетганди... 66 гектар шўрланган ерда фарзандларим билан жонимизни жабборга бериб қанча ишламайлик, кўзланган маррага етишга қийналаётган эдик. Аминманки, келгуси йилдан бошлаб бизда ҳам ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик ошади...

Манфаатдорлик бор жойда фидойилик, тараққиёт, фаровонлик бўлади. Шундай экан, бугун қишлоқ мулкдорларига уларнинг ери кўп ёки озлигига, йиғиб олган ҳосилининг салмоғига қараб эмас, балки ҳар гектар ердан олинадиган даромади-ю соф фойдасини ҳисоблаб чиқиб, қолаверса, унинг ишга муносабати-ю ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига қараб баҳо берадиган пайт келди. **«Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги нафақат уларнинг меҳнатига, балки ишга муносабатига, ташаббускорлигига ҳам қараб белгиланиши керак»**, — деди давлатимиз раҳбари сирдарёлик деҳқонлар билан бўлган учрашувда.

Дарҳақиқат, бугун ҳаётнинг ўзи ана шундай талабни қўймоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

ЎзХДП ҳаёти

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

## ЖОЙЛАРДА ЎТАЁТГАН ТАДБИРЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Ўзбекистон ХДП ташкилотлари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасини партия электорати ва аъзолари орасида ўрганиш, моҳиятини кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларини изчиллик билан олиб бораяпти. Жойларда қатор семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда**

**Ўзбекистон ХДП Амударё туман кенгаши**да бўлиб ўтган семинарда депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева давлатимиз раҳбари маърузасидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичлари, ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари ҳимояси, ижтимоий муҳофаза тизимининг мукаммал йўлга қўйилгани ҳақидаги масалалар бўйича таҳлилий суҳбат-мулоқотлар ижобий самара беришини таъкидлади. Бу масала партиямиз дастурий мақсадларининг моҳиятини ташкил этиб, бевосита электоратимиз манфаатларига тааллуқлидир.

**Урганч туман кенгаши** тумандаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда иштирок этган партия фаоллари Президентимиз маърузасида баён этилган хулосалар, Мустақилликнинг дастлабки йилларида дуч келинган муаммо ва қийинчиликлар, уларни енгиб ўтиш йўлидаги машаққатлар, шундан келиб чиқиб, Ватан ва миллат манфаати йўлида амалга оширилган беқиёс ишлар, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллагани ҳақида тўхталишди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров ўз сўзида қўлга киритилган ҳар бир ютуқ замирида машаққатли меҳнат ётгани, ўқувчиларнинг билим олишлари учун яратилган муносиб шарт-шароитлар мана шу меҳнат самараси экани ҳамда ёшлар шунга муносиб бўлиб ўз иқтидорларини намоён этишлари зарурлигини таъкидлади.

**Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши** ўтказган семинарда вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари фаоллиги ва ташаббускорлигини янада ошириш юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

— Биринчи галда бошланғич ташкилотлар фаоллигига эътибор қаратиш керак, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳҳор Ибрагимов. — Президентимиз маърузасида таъкидланган сиёсий партиялар аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаши масаласи айнан бошланғич партия ташкилотларида намоён бўлади.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққан фаоллар, фахрийлар маърузани тарғиб этишда ҳаётий мисоллар, яшаётган жойимиздаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтириш, ёшларда бўлаётган жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантириш масалаларига эътибор қаратдилар.

**Бувайда туман кенгаши** ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор билан ёндашаяпти. Айни пайтда туманда пахта терими авжида. Туман партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи аъзолари далалардаги меҳнаткашлар ҳузурида бўлишиб, учрашув, маданий-маърифий, хайрия тадбирларини ташкил этаяпти. Шу вақтга қадар Алқар, Узумчи, Янги қадам қишлоқлари пахтазорларида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

ЎзХДП: устувор вазифалар

# УЙҒОҚ ФИКР,

## ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР ОРҚАЛИ ЭЛЕКТОРАТИМИЗНИНГ СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ФАОЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР



ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида бу масала алоҳида таъкидланди.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида нафақат 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлимизни таҳлил этди, балки бундан кейинги устувор вазифаларимизни ҳам белгилаб берди.

Йиғилишда маъруза қилган ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Имомова ушбу масалаларга алоҳида тўхталди ва вилоят партия ташкилотлари олиб бораётган ташкилий чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов Президентимиз маърузаси мазмун-моҳиятини халқимиз ва электоратимизга ҳаётий мисоллар ёрдамида чуқур тушунтириш фаолларнинг асосий тарғиботчилик иши эканини таъкидлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маҳмуд Маҳкамов, «Нуроний» жамғармаси, «Экосан» халқаро ташкилоти вилоят бўлими раҳбарлари Ҳасан Нормуродов, Юрий Огнев ва бошқалар ҳам сўзга чиқишиб, халқимизнинг ўтмишдаги ҳаёти ва мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида фикр юритдилар.

— Ўтиб бораётган ҳар бир кунимиз тарих зарварақларига ёзилаяпти, — дейди ЎзХДПдан халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати, шаҳардаги 24-мактаб директори Очил Қўзибоев. — Шундай экан, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлмоғи учун истиқлол ғояларига садоқат билан, сидқидилдан меҳнат қилишимиз, бугунги тинч ҳаётимиз қадри ва имкониятларини халқимиз орасида кенг талқин этиб бермоғимиз лозим. Ҳаётга ўткир кўз билан қараб, бедор ва уйғоқ яшамоқ, юртимизни янада обод этмоқ учун курашмоқ керак. Жонли мулоқотлар орқали электоратимизнинг сиёсий масъулиятини ошириш биз, фаолларнинг асосий вазифамиздир.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**
**Ҳусан ТЎҒИЗОВ**
**олган сурат.**

***Суратда:*** *ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия қўмитаси йиғилишидан лавҳа.*

●●●

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ҳам ана шу муҳим масалага бағишланди.

— Агар «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги таҳлилий маърузага зарурат қай тариқа юзага келди, деган саволни қўйсак, ушбу ҳужжатни ўрганиш, тарғиб қилишга эҳтиёжни чуқур ҳис этамиз, — деди вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг моҳиятини тушунтириш бўйича тарғибот ишларимиз қониқарли даражада эмаслигини тан олишимиз, бундан хулоса чиқариб, кейинги фаолиятимизни ташкил этишимиз зарур.

Дарҳақиқат, маърузанинг аҳамияти нафақат сиёсий, ижтимоий, балки иқтисодий, маънавий, тарихий жиҳатдан ҳам беқиёс. Унда асрларга тенг 16 йиллик тарихий йўлимиз таҳлил этилиб, мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Энди барча партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва фаоллардан янги даврга мос ҳаракат қилиш, аҳоли барча қатламлари орасига чуқур кириб бориш талаб этилади.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббатхон Абдуллаева қўшма мажлис иштирокчиси сифатида ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилором Сайфиддинова, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Аҳмаджон Мавлонов сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Иштирокчилар маърузадан келиб чиқадиган вазифалар ҳар бир партия аъзосидан жиддий масъулият талаб қилиши, бу масъулият электорат манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳам муҳим шартидир, деган хулосага келдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

# ХОНЖИЗА — БОЙЛИКЛАР МАКОНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Маконда 1,5 миллион тонна рух, 100 минг тонна мис, 700 минг тонна қўрғошин ҳамда 2,3 минг тонна кумуш конлари борлиги аниқланган, — дейди **Хонжиза тоғ-маъданли комплекси дирекцияси директори Ҳайдар Хўжамуродов.** — Бойликларга кон мазкур маконни ўзлаштириш учун ҳукуматимиз томонидан 71,2 миллион доллар сармоя ажратилди. Бу нафақат собиқ иттифоқ, балки жаҳондаги йирик конлар сирасидан...

Жорий йилнинг май ойида дастлабки ишлар бошланганди. Айни кунларда «Кенгузар — Дебодом» йўналишида 33 километр узунликда автомобиль йўли қурилаётир. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси эса 19 километрдан ортиқ темир йўл ётқизиш ишларини бошлаш арафасида. Ушбу хайрли юмушлар амалга ошгач, лойиҳанинг иккинчи йўналиши бўйича рудани ташиш, юклаш учун шахта ва туннел қурилиши бошланади. Мазкур жараён 2008 йилнинг июлида якунланиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, бу ерда улкан фабрика қуриш кўзда тутилган. Шу кеча-кундузда 20 гектарли ҳудудни текислаш авжида... Келажакда Кенгузарда минг нафар киши меҳнат қиладиган корхона фаолият бошлайди.

Хонжизадан қазиб олинаётган рудалар дастлаб Кенгузарда





майдаланиб, сўнгра Олмалиқ тоғ металлургия комбинатига жўнатилади. Бу ердан йилига 650 минг тонна руда қазиб олинади. Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтай. Дастлабки 30 йилда 19,5 миллион тонна рангли металл-хомашёни қазиб олишимиз даркор. Юртимиз тупроғи тиллога тенг эканлигини шундан ҳам билса бўлади.

Бундан ташқари, ер қаърида Менделеев даврий жадвалидан ўрин олган кўплаб ноёб маъданлар мавжуд. 40 километр квадрат ҳудудни эгаллаган Хонжиза ўз бағрида асрлар оша сақланган бойлиги билан халқимизни бойитади, мамлакатимиз иқтисодий қувватини оширади. 2009 йилнинг эрта баҳоригача барча ишларни амалга оширсак, 1 апрелдан кон ишлари бошланади.

Ҳа, Мустақиллик шарофати билан Бойсун ва Ҳисорнинг мудроқ тоғлари кўз очди. Бирида янги темир йўл қурилган бўлса, унинг шарофати билан Ҳисор этагидаги конлар уйғонди.

— Шу ерда муҳандисман, — дейди ҳамроҳимиз **Акмал Раҳимов.** — Тўғрисини айтсам, жуда хурсандман. Негаки, она табиат инъом этган беҳисоб бойлик ўзимизники, уни қазиб олишга сарфланадиган маблағлар ҳам ўзимиздан. Ишчи-хизматчи, техник ва мутахассислар ҳам шу ернинг фарзандлари.

— Кон туман марказидан 50 чақиримча олисда жойлашган, — дея сўз бошлайди ёш муҳандис йўл-йўлакай. — Бир вақтлар ушбу йўллар тор, ўйдим-чуқур эди. Сел келаверганидан уловлар ҳафталаб қолиб кетарди. Ўтган беш ойда анча иш қилинди. Бугун-эрта асфальт ётқизиш бошланади. Ҳозир автобаза, тош саралаш цехи, омбор, завод қуриш ишлари қизғин. Бурғуловчилар августнинг бошларида келишди. Турли участкаларда 200 нафарга яқин бунёдкор, 20 та бульдозер, 13 та экскаватор, 20 та «МАЗ» ва «КамАЗ»лар унум билан ишлаяпти.

Сангардак ёқалаб тоғлар сари юрамиз. Тиниқ ва зилол сув киши ҳавасини келтиради. Тошдан-тошга урилиб оқаётган дарё ястаниб кўзга ташланади. Чап томонда боғ-роғлар, азим тераклар бўй чўзган. Бўртиб турган қиялар асрлар давомида ўзига хос шакл ҳосил қилибди.

— Яқинда иш бошладик, — дейди бурғуловчи **Наим Сафарбоев.** — Бундан аввал бир йилча «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлида ишладим.

**— Демак, тажриба бор экан-да.**

— Албатта, янги темир йўл бизни чархлади, иш ўргатди, ҳаёт мактаби бўлди у.

**— Шароит, маош қандай?**

— Меҳнат қилган кам бўлмаяпти. 15 кунда 250 минг сўм маош олдим. Иссиқ овқат, махсус кийим-бош ўз вақтида берилаяпти...

Сал юргач, «Нилу» маҳалласи бошланди. От ва эшакларга ўтин ортаётган болалар қўл силтаб қолишди. «Аср қурилиши» бошланган дастлабки йилларда бойсунликларнинг ҳаёти ҳам шундай эди. Бугун эса уларнинг узоғи яқин, мушкули осон. Кўп ўтмай, тоғли Хонжизада ҳам янги ҳаёт бошланиши муқаррар.

— Янги кон янгиликлар билан келади, — дейди 71 ёшли **Сулаймон ота Хўжаназаров.** — Ўтган 4-5 ойда бир жаҳон ишни уддалашди, азаматлар. Бунақасини кўрмагандим... Икки-уч йилда 350 ўринли ишчилар шаҳарчаси ҳам қуриларкан. Мактаблар, янги турар жой бинолари, маҳаллалар бунёд бўларкан.

Тиззадан келадиган дарё ўзанида улкан техника шитоб билан ишлаяпти. Тракторчига харсангтошларни қувур ён-атрофига ётқизишни уқтираётган барваста йигит билан суҳбатлашамиз.

— **Боқтош Нарзуллаев**ман, — таништирди ўзини. — Шу ерда иш бошқарувчиман. Айланма йўл ўтказиш учун дарёни жиловлаш керак. Бунинг учун биринчи навбатда йўлни текис, равон қилиш лозим. Насиб этса, бу келишларингизда шунга гувоҳ бўласизлар...

— Бухородан келганмиз, — дейди **Ҳикматулло Ғофуров.** — «КамАЗ» ҳайдайман. Тоғлар этагида меҳнат қилаяпмиз. Воҳа жанубидаги темир йўл ишга тушгач, навоийлик ҳамкасблар билан Хонжизага келдик. Муҳиддин Болтаев, Эркин Қосимов, Шаҳриддин Зиёев, Ғафур Исматов, Жаббор Назаров каби ҳайдовчи, бульдозерчи, экскаваторчиларнинг ҳар бири қаҳрамонона меҳнат қилишмоқда. Ана шундай фидойи инсонларни бир мақтаб ёзинг. Ҳа, айтмоқчи, бригадиримиз Акбар ака Худойбердиев ҳам қолиб кетмасин яна...

Узоқдан улкан чўққилар билан ястанган виқорли тоғлар орасида 20 га яқин техника кўзга ташланди. Бири тоғ жинсларини ортаяпти, юк ташиётган «КамАЗ»лар ҳам талайгина. Иш осон кўчиши учун бульдозерлар басма-бас ҳаракатланади. Қадрдонимиз Даврон Ҳайдаров билан қучоқ очиб кўришдик.

— Инсон инсон билан учрашиши ҳақиқат экан, ука, — дейди самимийлик билан у. — Қаранг, бу маконлар бизни янада жипслаштирди.

Соддадил, хушфеъл инсон билан чўнг тош устида анча гурунглашдик. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилиши фидойиси мазкур коннинг аҳамияти ҳақида тўлқинланиб, ғурур билан сўзлайди...

Дарҳақиқат, Хонжиза конининг ўзлаштирилиши — аср қурилишидан кам эмас. Истиқлолнинг буюк инояти, мустақиллик шарофати туфайли бизга ана шундай бебаҳо имкониятлар туҳфа этилди. Сариосиё азалдан сўлим табиати, ҳисори қўйлари, ширин-шакар мевалари билан машҳур бўлган. Энди Хонжизадек кони билан ҳам донг таратади...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

***Суратларда:*** *Хонжиза кони қурилишидан лавҳалар.*

**Муҳаммади ЖУМАЕВ**
**олган суратлар**

***Бухоро вилоятида ёш ва навқирон малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилувчи замонавий билим ва касб-ҳунар масканлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда***

## ЯНГИ ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Когон тумани марказига туташ Туткунда қишлоғида бунёд этилган 4-мактабнинг янги биноси шулар жумласидандир. 640 ўринли, замонавий спорт залига эга бўлган бу илм масканини «Бухорожамоақурилиш» акциядорлик жамиятининг 51-махсус механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари қуриб битказди.

Шунингдек, шаҳарда яна бир янги иншоот — педагогика коллежи ҳам қад ростлади. 540 талаба-ўқувчига мўлжалланган бу масканда ёшлар бошланғич таълим, мактабгача ва оилавий таълим, мактабдан ташқари тарбиявий ишлар, болалар спорти ва жисмоний тарбия йўналишлари бўйича таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**



Суратларда: *олий тоифали шифокор, туғуруқхона бўлими мудири Мўътабархон Маҳмудова; янги туғилган чақалоқлар оналари бағрида.*

# БУ ШУНДАЙ МАСКАНКИ

## ОНАЛАРГА БАХТ УЛАШАДИ

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани марказий шифохонасининг туғуруқхона бўлими яқинда капитал таъмирдан чиқарилди. Тумандаги «Қора металл» корхонаси жамоаси ҳамда фермер хўжаликлари ҳомийлигида хоналар замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди, юмшоқ мебеллар сотиб олинди.

Айни кунда туғуруқхонадаги УЗИ, КТГ, РО-6 аппаратлари ёрдамида ҳомила қай даражада ривожланаётгани, она организмининг туғуруққа тайёрлиги, туғилажак боланинг соғломлиги таҳлил қилиб борилмоқда.

Саккиз нафар врач, 56 нафар ўрта тиббиёт ходимини бирлаштирган туғуруқхона жамоаси хизматидан оналар миннатдор бўлишмоқда. Бунда Мавлуда Худойбердиева, Санобар Холиқова, Кимёхон Сулаймонова, Лобархон Низомиддинова сингари шифокорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.



**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

**☑ Орамиздаги одамлар**

# ҲАМ МАҲОРАТЛИ, ҲАМ ЖАСОРАТЛИ УСТОЗ

...Банкда содир этилган катта миқдордаги талон-торожлик бўйича жиноят иши тергов қилинарди. Иш ниҳоятда чигал бўлиб, тўққиз ой ўтса ҳамки охири кўринмасди. Шунда мазкур иш бўйича тергов гуруҳи раҳбари этиб Қурбонбиби Султонова тайинланди. Гуруҳ раҳбари талон-торожлик билан боғлиқ жиноятнинг охирига етиш учун уч кеча-кундуз уйқу нималигини билмай ишлади ва «калава»нинг учини топди. «Калава»нинг учи эса казо-казоларга бориб тақалди. Терговчига илтимослар, сўнг очиқдан очиқ тазйиқлар бўлди. Қурбонбиби ҳеч қайсига эътибор бермай ишни қонун бўйича давом эттирди. Давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилган уюшган гуруҳ аъзолари қилмишларига яраша жазоланди...

Қурбонбиби Султонова меҳнат фаолияти давомида шунга ўхшаш бир-биридан мураккаб, чигал жуда кўп жиноятларни тергов қилган. Терговчилик — ўта масъулиятли вазифа. Қонунбузарларни сўроқ қилиш, далил-исботларни чоғиштириш, минг бор ақл тарозисига қўйиб, сўнг хулоса чиқариш терговчидан нафақат билим, айни пайтда сабр-тоқат ва жасоратни ҳам талаб қилади.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда терговчилик вазифасидан бошлаган Қурбонбиби Султонова мана салкам қирқ йилдирки, шу соҳада ишлаб келаяпти. Ўтган йиллар давомида у қанчалаб оғир жиноятларни очишда қатнашди, неча бор мураккаб вазиятлардан мардонавор чиқиб кетди. Неча-неча қисматлар юкини юрагида кўтарди. Қурбонбиби опа ўз касбига содиқлиги, фидойилиги, ҳалоллиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-иззат топди. У нафақат терговчи, балки яхши инсон сифатида ҳам ҳамкасбларига ибрат бўлиб келмоқда. Опа ҳақида шогирдлари тўлқинланиб сўзлайди.

— Қурбонбиби Султонова ўз касбининг устаси. Тергов хизмати сир-асрорларини, тергов қилиш усул ва услубларини жуда яхши билади, — дейди ИИВ Тергов бош бошқармаси катта терговчиси подполковник Қудрат Набижонов. — Опа бой амалий ва ҳаётий тажрибага эга. Ниҳоятда маданиятли. Ҳар бир жиноят ишини қонун доирасида олиб боради. Биз шогирдларидан қимматли маслаҳатларини аямайди.



Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Ҳ.Ҳошимов, Бош бошқарма терговчиси М.Мирпўлатов сингари ўнлаб ҳамкасблари Қурбонбиби Султоновани ўзларига устоз деб билишади. Қурбонбиби Султонованинг шогирдлари бугун наинки тергов, балки бошқа соҳаларда ҳам меҳнат қилишади. Улар ҳамон устозларидан маслаҳат ва йўл-йўриқ олиб туришади.

Қурбонбиби Султонова хизмат фаолияти давомида жуда кўп жиноят ишларини тергов қилган. У ҳар бир гумондор шахсида аввало инсонни кўради ва шунга яраша муомала қилади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Қурбонбиби Султонова тергов қилган «иш»ларнинг биронтаси ҳам юқори ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қайта малакаланмаган ҳамда қайтарилмаган. Яна бир ибратли мисол. Қурбонбиби опа хизмат фаолияти давомида 30 марта рағбатлантирилган, лекин бирор марта ҳам интизомий жазоланмаган. У жамоат ишларида ҳам фаол, 1993 йилдан буён республика ИИВ хотин-қизлар кенгашини бошқариб келаяпти.

Инсондан катта билим, матонат, маҳорат, жасорат, сабр-тоқат, фидойиликни талаб қиладиган терговчилик вазифасида хизматдошларига намуна бўлиб келаётган Қурбонбиби Султонова ҳамиша адолат мезонига қатъий амал қилади. Унинг ҳаёт йўли — садоқат йўли. Касбга садоқатни, эътиқодни ундан ўрганса арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, полковник Қурбонбиби Султонова бугунги кунда ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳар бир жамоанинг, соҳанинг ўз фахр-ифтихорлари бўлади. Қурбонбиби Султонова тергов соҳасидаги ана шундай мутахассислардан десак асло муболаға бўлмайди.

**Равшан ШОДИЕВ**

**☑ Интер-спорт**

## ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИГА ҲОЗИРЛИК

*Украина молия вазирининг ўринбосари Сергей Рибак 2012 йили мамлакатда ўтказилиши кўзда тутилаётган футбол бўйича Европа чемпионатига тайёргарлик кўриш учун давлат бюджети лойиҳаси тайёрланганлигини маълум қилди. «Чемпионатга тайёргарлик кўриш учун 2008 йилги давлат бюджетидан 3 миллиард гривен (600 миллион долларга яқин) маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда, — дейди С.Рибак. — Молиялаштириш дастури лойиҳаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тайёрланган. Ўйлайманки, йил охиригача бу лойиҳани ҳукумат тасдиқлайди». Чемпионат учрашувлари эса Киев, Донецк, Львов ва Днепропетровск стадионларида ўтказилади.*

## ТАЙСОН ҚАМАЛИШИ МУМКИН



*Ўта оғир вазндаги собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон устидан Аризона штатининг Меса шаҳрида суд ишлари олиб борилмоқда. Боксчи гиёҳвандликда айбланмоқда. ESPN телеканали ахборотларига қараганда, Тайсон судда айбини тан олган. Боксчи 2006 йил 29 декабрь куни кокаин истеъмол қилгани сабабли рулни бошқаролмай машинасини полиция автомобилига бориб урган. Тайсоннинг машинаси полиция томонидан текширилганда оқ кукун моддаси топилган. Ҳозир унинг адвокати қандай бўлмасин собиқ чемпионни қамоқ жазосидан сақлаб қолиш учун уринмоқда. Акс ҳолда боксчи камида 4 йилга қамалиши мумкин экан.*


**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

# «САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** |
| **1** | Самарқанд шаҳрида Самарқанд халқаро аэропортининг маъмурий биноси қурилиши | **8 ой** |
| | **ЛОТ — 1-2:** | |
| **Лот-1** | Самарқанд халқаро аэропортида хизмат кўрсатувчи махсус транспортлар бокслари ва маиший назорат комплекси қурилиши | **7 ой** |
| **Лот-2** | ҲХБ АН МБнинг Самарқанд халқаро аэропортидаги ПРЦ-ДПРМ Самарқанд ҳудудий бўлимининг девор тўсиқларини реконструкция қилиш | **6 ой** |

**Қурилиш ишлари:** «Самарқанд» халқаро аэропорти хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй, телефон: (8366) 232-09-94, 223-20-48.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

*Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:*

***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел.: 231-13-51.***

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.*

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уйда соат 18.00 да «Самарқанд» халқаро аэропорти биносида ўтказилади.



# «ПАХТА БАНК»КА

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ БЕРИЛДИ

2007 йил 1 октябрь куни АТ «Пахта банк» Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ичида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлди. Fitch Ratings халқаро рейтинг компанияси «Пахта банк»ка қуйидаги рейтингларни берди: «B» — эмитент дефолтининг узоқ муддатли рейтинги («ЭДР»), прогнози «Барқарор», «B» қисқа муддатли «ЭДР», «D/E» шахсий рейтинги, «5» қўллаб-қувватлаш рейтинги ҳамда «B» узоқ муддатли «ЭДР» қўллаб-қувватлаш рейтингига сазовор бўлди.

«Пахта банк»нинг инвестиция даражаси бўйича халқаро рейтингга сазовор бўлиши хорижий инвесторларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш учун янги имкониятлар эшигини очади.

**«Пахта банк» матбуот хизмати**



**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

# «БУХОРОПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

***қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:***

## Пешку пахта тозалаш заводини модернизация қилиш

**Қурилиш ишларини бажариш муддати — уч ой.**
**Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
**Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, А.Ғиждувоний кўчаси, 16-уй. Факс: 223-32-86, тел: 223-99-83.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

*Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:*

**Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60 000 сўм.*

**Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

*Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада, соат 10.00 да бўлиб ўтади.*



**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 949
*7860 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
**2 3 4 5 6**
**Sotuvda erkin narxda**